

Юртимизда жума намозлари 4 сентябрдан адо этилади



11:03 / 03.09.2020 1772

Республика махсус комиссиясининг навбатдаги қарорига асосан 5 сентябрь, шанба кунидан бошлаб диний ташкилотларда жамоавий ибодатларни (жума ва шанба-якшанбалик диний хизматлар) амалга оширишга рухсат берилди.

Ушбу қарорга мувофиқ, юртимиздаги жоме масжидларда жума намозлари 4 сентябрь, жума кунидан бошлаб адо этилишига рухсат этилди.

Республикамиздаги жоме масжидларда 4 сентябрь кунига қадар жума намозини ўқишга тайёргарлик ишлари олиб борилади. Жума намозлари вақтида қатъий карантин талабларига ҳамда ижтимоий масофа сақлаш қоидаларига риоя этилиши талаб этилади. Жумладан:

- жума намозини ўтказиш учун ташриф буюрувчилар ўртасида ижтимоий масофани таъминлаш;
- масжидлар ходимлари ва ташриф буюрувчиларнинг тиббий ниқобда бўлиши;
- санитария-гигиена ва дезинфекция талабларига қатъий риоя этиш, бино хоналарини доимий равишда дезинфекция қилиш, уларга кириш-чиқиш жойларини пирометрлар,-
- антисептик воситалар ва дезинфекцион “тўшак”лар билан жиҳозлаш;
- жума намозидан кейин бино (хона) ва ундаги жиҳозларнинг юза қисмини дезинфекцион воситалар билан тозалаш;
- бино ва хоналарга, шунингдек, ҳаво айлантриш тизимига зарарсизлантриш анжомларини (ультрабинафша лампалар ва б.) ўрнатиш;
- тана ҳарорати 37 С ва ундан юқори бўлган ёки инфекция аломатлари мавжуд бўлган ташриф буюрувчиларни киритмаслик;
- масжидларга кириш ва чиқиш жойларида аҳолининг тўпланишига қатъий йўл қўймаслик каби карантин талаблари жорий этилади.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси матбуот хизмати